



Аудиторлик фаолиятида турдош хизматлар

Яриев Шерзод Шукуржанович,

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада аудиторлик фаолиятида турдош хизматлар кўрсатиш масалалари ёритилган. Шунингдек иқтисодий рақамлаштириш шароитида турдош хизматлар таҳлили келтирилган.

Калим сўзлар: аудит, аудиторлик фаолияти, рақамли аудит, аудиторлик хизмати, турдош хизматлар.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы предоставления сопутствующих услуг в аудиторской деятельности. Также представлен анализ сопутствующих услуг в условиях цифровизации экономики.

Ключевые слова: аудит, аудиторская деятельность, цифровой аудит, аудиторские услуги, сопутствующие услуги.

Abstract. This article covers the issues of providing similar services in auditing activities. An analysis of related services in the context of digitalization of the economy is also provided.

Keywords: audit, audit activity, digital audit, audit service. related services

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонунининг¹⁶ қабул қилиниши ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида фаолият юритишга ўтганларидан кейин хўжалик субъектларига халқаро стандартларда кўрсатилган аудитнинг янги хизматларини тақлиф эта бошлашди.

Қонуннинг 31-моддасида аудиторлик хизматларининг турлари келтирилган бўлиб, аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувлари ва турдош хизматлари туридаги аудиторлик хизматларини кўрсатади деб белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди.. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонунининг 3-моддасида “аудиторлик фаолияти — аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти” деб эътироф этилган. Рақамли иқтисодий шароити аудиторлик фаолияти ташкил этиш ва аудиторлик текширувларини ўтказишнинг назарий масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда аудиторлик хизмат кўрсатишдан олинган 206352,4 млн. сўмнинг 67,6 фоизи аудиторлик текширувларидан ва фақат 32,4 фоизи бошқа кўрсатилган хизматлар улушига тўғри келади [9]. Юқоридагилардан кўришиб турибдики мамлакатимизда аудиторлик фаолиятидан олинаётган даромадларда бошқа хизматлар кўрсатишдан тушумни ошириш зарур.

Н. В. Гамулинскаянинг ишларида аудиторлик компаниялар томонидан кўрсатилган хизмат турлари таҳлил қилиниб, 2021 йилда уларнинг улуши бўйича

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда тасдиқланган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонуни.



қуйидаги маълумотлар келтирилган: мажбурий аудит-86,3 фоиз; ташаббус аудити-16,4 фоиз; турдош хизматлар-5,6 фоиз; бошқа хизматлар-4,4 фоиз бўлган¹⁷.

Рақамли иқтисодиёт шароитида аудиторлик текширувларида фирмалар томонидан яратилаётган ва қўлланаётган амалий рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш долзарб бўлиб боради. Бу рақамли технологиялар дунё ва Россия Федерациясининг йирик аудиторлик компаниялари томонидан амалиётда қўлланиб келинмоқда. Йирик аудиторлик компанияларининг рақамли иқтисодиёт талабларига мослашиб бормоқда.

Россия Федерациясининг 100 та йирик аудиторлик компанияларининг 2021 йилдаги тушуми 44.4 млрд рублга етган. Шу тушумнинг 55 фоизи ёки 24,3 млрд рубли аудиторлик текширувларидан ва 45 фоизи ёки 19,9 млрд рубли кўрсатилган консалтинг хизматларидан тушган¹⁸.

Россия Федерациясининг энг йирик 5 та аудиторлик компанияларининг 2022 йилги тушумлари таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал маълумотлари таҳлили асосида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин. Россия Федерацияда “Кэпт” олдинги “КМПГ” аудиторлик компанияси етакчи бўлиб, унинг 2022 йилдаги тушуми 11737,6 млн. рублни ташкил этиб, унинг 36,9 фоизи аудиторлик текширувидан ва 63,1 фоиз тушган тушуми турдош хизматлардан олинган даромадни ташкил этган. Иккинчи ўринда “ЦАТР - аудиторские услуги” компанияси бўлиб, унинг 2022 йилдаги тушуми 7336,6 млн. рубль бўлиб, 100 фоиз тушум аудиторлик текшируви ҳисобидан тушган. Бешинчи ўринда “Юникон” компанияси эгаллаган. Унинг тушуми 2004,9 млн. рубль бўлиб, 77.3 фоизи аудиторлик текшируви натижасидаги даромад бўлган бўлса, 22,7 фоизи турдош хизматлар кўрсатишдан олинган даромаддир.

Халқаро амалиётда аудитнинг халқаро стандартлари тизимида аудиторлик хизматлари кўрсатишга бевосита алоқадор бўлмаган барча АХСлар алоҳида – Турдош хизматларнинг халқаро стандартлари (ТХХС) гуруҳига ажратилган.

Халқаро амалиётда аудитнинг халқаро стандартлари тизимида аудиторлик хизматлари кўрсатишга бевосита алоқадор бўлмаган барча АХСлар алоҳида – Турдош хизматларнинг халқаро стандартлари (ТХХС) гуруҳига ажратилган. Ҳозирги вақтда ушбу гуруҳга қуйидаги АХСлар киради: ТХХС №4400 - «Молиявий стандартга нисбатан келишилган тартиб – таомилларни бажариш бўйича келишувлар».

1-жадвал

2023 йилда Россия Федерациясининг йирик аудиторлик ташкилотлари рейтингини¹⁹.

¹⁷ Гамулинская Н. В. Современное состояние российского рынка аудиторских услуг. Электронный научный журнал “Вектор экономики”. 2023 №1.

¹⁸ RAEX: доходы крупнейших аудиторских организаций достигли рекордных 44,2 млрд рублей. https://raex-rr.com/news/press-reliz/2022_01_June/.

¹⁹ Крупнейшие аудиторские организации (2015—2023 гг.). Список крупнейших российских аудиторских организаций (субъектов аудиторской деятельности), 2023 год. https://raex-rr.com/b2b/audit/biggest_auditors_rating/2023/.



№	Номи	2021 йилда ги ўрни	Жойлашган жойи	2022 йилдаги тушуми (млн. рубль)	Аудиторлик текширувидан тушган тушумнинг улуши (%)	2022 йилда кўрсатилган турдош хизматлар улуши, %	2022 йилда аудит орлар сони
1	<u>«КЭПТ» (КПМГ)</u>	1	Москва	11737,6	36.9	63,1	219
2	<u>«ЦАТР - аудиторские услуги»</u>	3	Москва	7336,6	100	-	239
3	<u>«Технологии Доверия – Аудит»</u>	4	Москва	5836,1	75.4	24,6	-
4	<u>ДРТ</u>	2	Москва	5757,4	58,6	41,4	-
5	<u>Юникон</u>	5	Москва	2004,9	77.3	22,7	164

Хулоса: Юқоридагилардан кўриниб турибдики аудиторлик фаолиятида турдош хизматларнинг таркибини қайта кўриб чиқишни ва халқаро амалиёт тажрибасидан келиб чиқиб, унинг улушини умумий тушумда ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда тасдиқланган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонуни.

2. Гамулинская Н. В. Современное состояние российского рынка аудиторских услуг. Электронный научный журнал “Вектор экономики”. 2023 №1.

3. RAEX: доходы крупнейших аудиторских организаций достигли рекордных 44,2 млрд рублей. https://raex-rr.com/news/press-reliz/2022_01_June/.

4. Крупнейшие аудиторские организации (2015—2023 гг.). Список крупнейших российских аудиторских организаций (субъектов аудиторской деятельности), 2023 год. https://raex-rr.com/b2b/audit/biggest_auditors_rating/2023/.